

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSC.02/30.12.2019 ТАР.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

---

**ЖАМШИД АЛЛАЕРОВИЧ ПЕРЕМКУЛОВ**

**XX АСР ЎРТАЛАРИ – XXI АСР БОШЛАРИДА  
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САНОАТ ШАҲАРЛАРИ ТАРИХИ**

**07.00.01. – Ўзбекистон тарихи**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Жамшид Аллаерович Перемкулов**

XX аср ўрталари – XXI аср бошларида Тошкент вилояти  
саноат шаҳарлари тарихи..... 3

**Jamshid Allayerovich Peremkulov**

The history of industrial cities of Tashkent region in the middle of 20<sup>th</sup> –  
beginning 21<sup>st</sup> centuries..... 23

**Жамшид Аллаерович Перемкулов**

История промышленных городов Ташкентской области  
в середине XX – начале XXI веках ..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

List of published works  
Список опубликованных работ ..... 45

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSC.02/30.12.2019 ТАР.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

---

**ЖАМШИД АЛЛАЕРОВИЧ ПЕРЕМКУЛОВ**

**XX АСР ЎРТАЛАРИ – XXI АСР БОШЛАРИДА  
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САНОАТ ШАҲАРЛАРИ ТАРИХИ**

**07.00.01. – Ўзбекистон тарихи**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Tar140 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.fati.uz](http://www.fati.uz)) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида ([www.zivonet.uz](http://www.zivonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

Доно Ҳамидовна Зиёева  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

Раҳбар Ҳамидовна Муртазаева  
тарих фанлари доктори, профессор.

Шавкат Муҳаммадалиевич Раҳматуллаев  
тарих фанлари номзоди.

**Етакчи ташкилот:**

Тошкент Молия институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019. Tar.56.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тарих институти 8-кават Мажлислар зали. Тел.: +998 (71) 233-54-70; факс: +998 (71)233-39-91; e-mail: [info@fati.uz](mailto:info@fati.uz)).

Диссертацияси билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй. Тел: +998 (71) 262-74-58; факс: +998 (71) 262-34-41).

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси)



**Азамат Зиё**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор,

**М.Х. Пайзиёва**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.н.

**Н.А. Аллаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Ҳозирда жаҳонда етакчи мамлакатларнинг иқтисодий тараққиёт негизини айнан саноат шаҳарлари ташкил этмоқда. Зеро, инсонларнинг ҳаётий эҳтиёжларини тўлақонли таъминлашга бўлган талаб ортиб бораётган бугунги кунда ишсизлик кўрсаткичларини камайтириш борасида амалга оширилаётган давлат сиёсати саноат ишлаб чиқаришини имкон қадар кенг ривожлантиришга қаратилган. XX асрдан фарқли равишда бугунги кунга келиб шаҳарларда саноат объектларининг мавжудлиги эмас, балки уларнинг шаҳар ташқарисида жойлаштирилиши устивор аҳамият касб этмоқда.

Дунё миқёсида шаҳарларнинг барқарор ривожланиш масалаларида олиб борилаётган тадқиқотларда бу борада турли минтакаларда мавжуд муаммоларнинг тарихий илдизларини аниқлаш ҳамда танқидий таҳлил қилиш асосида уларнинг тараққиёт истиқболларининг долзарб вазифаларни аниқлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, XX аср ўрталарида саноат шаҳарларининг шаклланишида табиий ресурсларни қазиб олувчи корхоналар ва уларнинг ишчилари учун манзилгоҳ бирламчи омил бўлиб ҳизмат қилганлиги кейинчалик уларнинг ишлаб чиқариши ҳамда иқтисодий ижтимоий ҳаётида катта турғунликка олиб келганлиги шундай муаммолардан бири сифатида жуда кўп мамлакатларда намоён бўлиб, уларнинг тўғри ечимини белгилаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Республиканинг Тошкент вилоятида жойлашган Ангрен, Чирчиқ, Олмалик ҳамда Бекобод каби саноат шаҳарларининг аҳамияти сўнгги йилларда ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент вилоятининг эртанги куни – бу саноатдир”<sup>1</sup> деган сўзлари буни яққол намоён этади. Шу ўринда ушбу шаҳарларнинг яқин ўтмишдаги тарихи ва бугунги кундаги муаммолари, уларни бартараф этишга қаратилган ислохотлар, айниқса, сўнгги йиллардаги қурилиш ва бунёдкорлик ишлари, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, эркин ва махсус иқтисодий саноат зоналарини ташкил қилиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган давлат дастурлари ижроси самараларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади ва бу диссертация мавзусининг долзарблиги ва заруриятини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 июндаги ПФ-5738-сон “Республика бўйсунувидаги шаҳарларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2016 йил 9 сентябрдаги 291-сон “2016-2018 йилларда Тошкент вилояти шаҳарлари ва туманларини

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Саноатни янада ривожлантириш ва улкан бунёдкорлик ишлари истиқболлари. (ЎЗА) // URL манзил: <http://uza.uz/posts/56268>

комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 31 январдаги 68-сон “Олмалиқ шаҳрининг 2032 йилгача бўлган даврга мўлжалланган бош режасини тасдиқлаш тўғрисида”, 69-сон “Ангрен шаҳрининг 2032 йилгача бўлган даврга мўлжалланган бош режасини тасдиқлаш тўғрисида”, 70-сон “Чирчиқ шаҳрининг 2032 йилгача бўлган даврга мўлжалланган бош режасини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорларида белгиланган вазифалар саноат шаҳарларини ривожлантиришга хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Шаҳарлар жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олганлиги боис, у тарих, архитектура, география, иқтисод каби йўналишларда тадқиқ этиб келинган. Саноат шаҳарлари тарихи ҳам айнан шу йўналишлардан бири бўлиб, уларни даврий мансублиги, назарий услубий асослари бўйича совет ва мустақиллик даври тадқиқотларига ажратиш мумкин. Бундан ташқари, хорижий тадқиқотчиларнинг мазкур масала юзасидан олиб борган изланишлари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

*Совет даврида* саноат шаҳарларига оид тадқиқотларда ҳукмрон мафкура ғоялари таъсирида шаҳарсозлик ва индустрлаштириш сиёсатини “улуғлаш”, муаммоларни ҳаспўшлаш, рақамлар ортидан қувиш яққол ўз аксини топган<sup>2</sup>, табиий бойликларнинг аёвсиз ўзлаштириши, ташиб кетилиши ва бошқа муаммолар атайин четлаб ўтилган.

*Мустақиллик йилларида* шаҳарлар тарихига оид тарихий тадқиқотлар<sup>3</sup> билан бир қаторда география<sup>4</sup>, архитектура<sup>5</sup>, иқтисод<sup>6</sup> каби йўналишларда ҳам

---

<sup>2</sup> История новых социалистических городов Узбекистана (Ташкентская область). – Ташкент: Фан, 1976; Рахимов М. История основания и развития социалистического города Бекабад. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Тошкент, 1968. – С. 19.; Зухриддинов Ш.А. История основания и развития социалистического города Чирчика. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Тошкент, 1962. – С. 19; Ахмедов Э. Тешабоев М. Новые города Узбекистана. – Ташкент: Узбекистан, 1984. ва б.

<sup>3</sup> Шадманова С.Б. Ўзбекистон шаҳарларида трансформация жараёнлари (1917-1941). – Тошкент, 2015. – 333 б.; Тоғаева А.З. Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари ва шаҳар маданияти муаммолари (1950-1990 йиллар). – Тошкент, 2017. – 246 б.; Ўзбекистонда замонавий шаҳар маданияти. – Тошкент, 2017. – 285 б. Раҳматуллаев Ш. Фарғона водийси шаҳарларида иқтисодий трансформация жараёнлари (1991-1996 йиллар). – Тошкент, 2017. – 200 бет. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар. 2-китоб 576 б.

<sup>4</sup> Салиев А. Проблемы расселения и урбанизации в республиках Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1991. – С. 112. Эгамбердиева М.М. Бозор иқтисодиёти шароитида шаҳарлар ривожланишининг минтақавий муаммолари (Тошкент вилояти мисолида): Геогр. фан. ном.

илмий изланишлар олиб борилган. Уларда шаҳарларнинг табиий ресурслари, иқтисодий салоҳияти, демографик ва урбанизацион жараёнлардаги ўрни, ишлаб чиқариш кучлари, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммолари минтақавий ёндашув асосида ва республика миқёсида ўрганилган<sup>7</sup>.

Шаҳар архитектураси йўналишида шаҳарсозлик кодекси, шаҳарларнинг бош режалари ва тузилишига оид тадқиқотлар олиб борилди. Аммо, саноат шаҳарлари тарихи махсус тадқиқот объекти сифатида фақатгина уларнинг юбилей ёшлари муносабати билан чоп этилган оммабоп рисолаларда ўз аксини топган бўлиб<sup>8</sup>, ушбу адабиётларда шаҳар ёки корхоналар фаолиятига катта ҳисса қўшган шахслар, йирик корхоналардаги ишлаб чиқариш ҳажми билан боғлиқ маълумотлар ўрин олган.

*Хорижий тадқиқотчилар* изланишларига тўхталиб, уларда миграция масалаларига эътибор қаратилганлигини эътироф этиш лозим. Хусусан, америкалик сиёсатшунос Скотт Радниц<sup>9</sup> Тошкент вилояти саноат шаҳарлардаги ташқи миграция жараёнларини иқтисодий омиллар билан боғласа, британиялик антрополог Мойя Флинн<sup>10</sup> ҳамда россиялик тадқиқотчи Ю.Н. Цыряпкина масаланинг ижтимоий омилларига эътибор қаратганлар<sup>11</sup>. Шунингдек, хорижий

---

... дисс. – Тошкент, 2008.

<sup>5</sup> Ниязов З.К. Урбанизация Ташкентской области за 1991-2006 г. // Архитектура и строительство Узбекистана – 2006. – № 3. – С. 52-55; Латипов Д.В. Проблемы развития градостроительства республики Узбекистан в условиях формирования рыночных отношений. // Архитектура и строительство Узбекистана – 2010. – № 2,3. – С. 7-9. Бакирхонов Ф.Ф. Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлик кодекси – шаҳарсозликни ривожлантиришнинг қонуний асоси. // Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши – 2002. – № 1. – 10-11-бетлар.

<sup>6</sup> Вей Синь. Формирование и развитие городов Средней Азии. Дисс ... канд. экон. наук. – Ташкент, 1991; Саипова К.Д. Изменение национального состава населения в результате притока промышленных кадров. // Вестник науки и образование.– 2017. – № 10. – С. 31-34.

<sup>7</sup> Ата-Мирзаев О., Гентшке В.Л., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. – Ташкент, 1998; Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р., Салиев А. Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана. – Ташкент: Узбекистан, 2002.

<sup>8</sup> Насриддинов Ж., Бобоназаров А., Боймуродов А., Содиков Б. Сайхун соҳилидаги шаҳар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995; Убайдуллаев А., Костецкий В. Афсоналардаги шаҳар. – Ангрэн: Наврўз, 1996; Сигедин В.И. Алмалыкская жемчужина. – Ташкент: Шарк, 1999; Ҳасанов А., Топилов Т., Асқаров М., Атаханов А. Кўхна ва навқирон Олмалик. – Тошкент, 2000; Ҳасанов А., Мирзақулов Т. Истиқлол: тарих ва тақдир. – Тошкент, 2010; Ёрматов И. Саодат водийси. – Тошкент: Наврўз, 2012 ва б.

<sup>9</sup> Radnitz Scott. Weighing the Political and Economic Motivation for Migration in Post-Soviet Space: The Case of Uzbekistan // Europe-Asia Studies. – Vol.58. – 2006. – № 5. – p. 653–677.

<sup>10</sup> Flynn Moya. Renegotiating Stability, Security and Identity in the Post-Soviet Borderlands: The Experience of Russian Communities in Uzbekistan // Nationalities paper. – Vol.35. – 2007. – № 2.

<sup>11</sup> Цыряпкина Ю. Языковые процессы в современном городском пространстве Ташкентской области. // Uzbekistan initiative papers. – 2014 Oct. – No. 20. – p. 4. URL манзил: [https://www.cidob.org/en/projects/uzbekistan\\_initiative](https://www.cidob.org/en/projects/uzbekistan_initiative)

тадқиқотчиларнинг Ўзбекистондаги шаҳарлар тарихига бағишланган илмий изланишларида совет ҳукумати томонидан олиб борилган иқтисодий ва ижтимоий сиёсатга танқидий муносабат билдирганликларини ҳам қайд этиш лозим<sup>12</sup>.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Тарих институти илмий тадқиқот ишлари режасининг Ф1-ФА-0-11986 Ўзбекистон шаҳарлар тарихи: анъаналар, урбанизация ва трансформация жараёнлари (энг қадимдан ҳозиргача) фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Тошкент вилоятидаги Ангрен, Олмалик, Бекобод ҳамда Чирчиқ шаҳарлари тарихини ўрганиш орқали XX аср ўрталари – XXI аср бошларида Ўзбекистоннинг саноат шаҳарларида кечган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар моҳиятини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Тошкент вилояти тоғли ҳудудларидаги табиий ресурсларни ўзлаштириш мақсадида ташкил этилган корхоналар негизида саноат шаҳарларининг шаклланиш жараёни, омиллари, уларнинг марказий бошқарув органлари тасарруфига олиниб, “иқтисодий занжир” га боғлаб қўйиш оқибатларини очиб бериш;

Саноат корхоналарида кадрлар сиёсатининг марказлаштирилиши ҳамда шаҳар қурилиши ва инфратузилмаларини йирик саноат корхоналари зиммасига юклаб қўйилишининг оқибатларини кўрсатиб бериш;

Мустақилликнинг дастлабки ўн йилликларида саноат шаҳарларида совет давридан мерос бўлиб қолган муаммоларнинг асоратлари, иқтисодий турғунлик, ишсизлик ва де-урбанизация ҳолатлари, уларнинг ечимига қаратилган тадбирлар, иқтисодий ислохотлар кўлами, махсус иқтисодий зоналарнинг барпо этилиши ва қўлга киритилган натижаларни ёритиш;

Саноат шаҳарларида сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида ижтимоий, иқтисодий ва экологик муаммоларни бартараф этиш

---

<sup>12</sup> Burke A.E. A political economic survey of soviet Central Asia. A dissertation ... degree of PhD. – Pennsylvania, 1959; Hanks R.R. Gi'lasnost, islam and nationalism: Uzbekistan in the Gorbachev and post-soviet eras. Submitted... the degree of PhD. – Cansas, 1993; Sinnott P.J. Urban Settlement in Soviet Central Asia: The Evolution of the Spatial Pattern and Structure (1920-1991). Submitted ... degree of PhD. – Columbia, 1996; Wasyliv L. Political Change in Central Asia: A Study in Post-Soviet Transformation. Submitted ... degree of master of arts. – Alberta, 1996.; Blackmon P.E. Connecting the dots: a historical and political analysis of economic reform and its relationship to foreign investment and business in Kazakhstan and Uzbekistan. Submitted ... degree of PhD. – Florida, 2004.; Singh S.K. Regional cooperation in Central Asia. (1991-2003). Thesis submitted ... degree of PhD. – New Delhi, 2008.; Robinson J. The post-soviet city: identity and community development. 2009. URL address: <https://www.researchgate.net/publication/255616367>; Schröder Ph. Urban spaces and lifestyles in Central Asia and beyond: an introduction // Central Asian Survey, – vol. 35. – 2016. – no. 2, – pp. 145-156, <http://dx.doi.org/10.1080/02634937.2016.1155862>

чора-тадбирлари, шаҳар қурилиши, иқтисоди, саноат ишлаб чиқариши ҳамда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволидаги ўзгаришларни ёритиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида XX аср ўрталари – XXI аср бошларида Тошкент вилоятидаги Чирчиқ, Ангрен, Бекобод, Олмалиқ саноат шаҳарлари тарихи белгиланган.

**Тадқиқотнинг предмети** табиий ресурсларнинг ўзлаштирилиши, саноат ишлаб чиқариши, шаҳарлар қурилиши ва тузилиши, кадрлар сиёсати, аҳоли таркиби ва урбанизация жараёнлари, экология каби масалалар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда қиёсий, микдорий, динамик ҳамда герменевтик таҳлил, оғзаки тарих усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

XX аср ўрталарида Тошкент вилояти саноат шаҳарларининг шаклланиши ва ривожлантирилишида ҳудуднинг табиий ресурсларини ўзлаштириш асосий ўрин тутганлиги, асосан марказга ва у орқали бошқа республикаларга хомашё етказиб беришга ихтисослаштирилганлиги, ишлаб чиқариш ва даромадлар бевосита марказ тасарруфида бўлганлиги асослаб берилган;

иқтисодий жиҳатдан марказга қарамлик, хусусан, ишлаб чиқариш режалари ва даромадлари тўлиқ марказ тасарруфида бўлганлиги, шаҳардаги ижтимоий инфратузилмаларни қуриш ва таъминлаш эса, йирик саноат бирлашмалари зиммасига юклатилганлиги, юқори малакали маҳаллий кадрлар етиштиришга эътибор қаратилмай, марказий республикалардан олиб келинганлиги кейинчалик эса, бу ҳолат кадрлар муаммосига олиб келинганлиги кўрсатиб берилган;

XX асрнинг 80-йиллар охири – 90-йиллар бошида ишлаб чиқаришда турғунлик юзага келган шароитда шаҳарлардаги саноат бирлашмаларига боғлаб қўйилган ижтимоий инфратузилмалар фаолияти ҳам тўхтаб қолганлиги, бундай шароитда аҳолининг катта қисми шаҳарларни тарк этганлиги, шаҳар ҳаёти издан чиққанлиги, узоқ давом этган иқтисодий танглик ҳолати ёритиб берилган;

ислохотларнинг янги босқичида шаҳарларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш бўйича давлат дастурларининг қабул қилиниши, саноат ишлаб чиқариши модернизацияси, кичик саноат зоналарининг ташкил қилиниши, хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши натижасида ишлаб чиқариш кенгайиб, аҳоли сонининг ўсиб борганлиги, ишсизлик муаммосининг қисман ҳал қилинганлиги, ижтимоий-маданий инфратузилмалар фаолияти тикланиб, шаҳар аҳолиси учун қулай масканларга айланиб бораётганлиги ёритиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Миллий архиви, Тошкент вилояти давлат архиви, Ангрен, Чирчиқ, Олмалиқ ҳамда Бекобод шаҳарларидаги 20 дан ортиқ архив жамғармаларидаги 500 га яқин тарихий ҳужжатлар, расмий статистика тўпламлари маълумотлари, 200 га яқин даврий матбуот мақолалари, шаҳар ҳокимиятининг йиллик ҳисоботларини таҳлил қилиш асосида саноат

шаҳарларининг ривожланиш босқичлари, уларга таъсир қилган омиллар, ижтимоий, иқтисодий муаммолар ва уларнинг шаҳар аҳолиси ҳаётига таъсири, урбанизация жараёнлари даврий изчилликда таҳлил қилинди.

Тадқиқотда Тошкент вилояти саноат шаҳарларига оид тарихий фактлар билан бир қаторда география, иқтисодиёт, архитектура каби йўналишларда амалга оширилган тадқиқотлар натижаларидан қиёсий таҳлил асосида фойдаланилганлиги диссертациянинг илмий хулосаларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** уни очиб беришда Ўзбекистон Миллий архиви, Тошкент вилояти ва шаҳарлари архив жамғармаларида, расмий статистика ва даврий матбуот материалларидан кенг қиёсий фойдаланилганлиги, диссертация натижалари амалий тадқиқотларга ва амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда саноат шаҳарларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятларини Тошкент вилоятидаги Ангрен, Бекобод, Чирчиқ ҳамда Олмалиқ шаҳарлари мисолида, ҳамда совет ва мустақиллик даврлари кесимида қиёсий таҳлил этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда илгари сурилган илмий маълумотлар, таҳлилий материаллар ва хулосалардан Ўзбекистондаги шаҳарлар тарихига оид махсус курслар, тарихий адабиётлар ва ўқув қўлланмалар ҳамда маърузалар тайёрлашда фойдаланиш имконияти билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** XX аср ўрталари – XXI аср бошларида Тошкент вилояти саноат шаҳарлари тарихи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Мустақиллик йилларида Тошкент вилояти шаҳарларида саноат ишлаб чиқариш модернизацияси, кичик саноат зоналарининг ташкил этилиши, хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши, ишлаб чиқаришнинг кенгайиши, аҳоли сонининг ўсиб бориши, аҳолини иш билан таъминлаш масаласининг қисман ҳал қилинганлиги, ижтимоий инфратузилма муаммоларига эътибор қаратилганлиги, шаҳарларнинг яшаш учун қулай масканларга айлантириш билан боғлиқ масалаларга оид маълумотлардан Ф1-ФА-0-11986 рақамли “Ўзбекистон шаҳарлар тарихи: анъаналар, урбанизация ва трансформация жараёнлари (энг қадимдан ҳозиргача)” мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 23 сентябрдаги 3/1255-1977-сон маълумотномаси) Келтирилган маълумотлар мустақиллик йилларида олиб борилган шаҳарсозлик соҳасидаги ислохотларни очиб беришга хизмат қилган.

Тошкент вилояти саноат шаҳарларининг иқтисодий жиҳатдан марказга қарамлиги аҳолининг ижтимоий ҳаётига ҳам салбий таъсир кўрсатганлиги, хусусан, даромадлар марказ тасарруфида бўлгани ҳолда ижтимоий

инфратузилмалар харажатларининг йирик корхоналар зиммасига юклатилганлиги, малакали мутахассислар асосан марказдан олиб келинганлиги, маҳаллий кадрлар етиштиришга эътибор қаратилмаганлигини акс эттирувчи маълумотлардан “O‘zbekiston tarixi” телеканали “Тақдимот” кўрсатувининг “Тошкент вилояти саноат шаҳарлари тарихи” сонини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2019 йил 19 ноябрдаги 02-40-2394-сон маълумотномаси). Натижаларнинг қўлланилиши совет давридаги саноат шаҳарларида олиб борилган сиёсатнинг оқибатларини ёритишга хизмат қилган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкент вилояти саноат шаҳарлари яқинидаги табиий ресурсларни ўзлаштириш, марказга ва у орқали фронт эҳтиёжларига жалб этиш асосий ўрин тутганлиги, ишлаб чиқариш ва даромадлар бевосита марказ тасарруфида бўлганлигини акс эттирувчи маълумотлардан “O‘zbekiston 24” телеканали “Буюк ғалабага буюк ҳисса” кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 18 августдаги 04-15/2281-сон маълумотномаси). Келтирилган маълумотлар Иккинчи жаҳон уруши даврида Тошкент вилоятидаги тоғ-кон саноатига ихтисослашган корхоналар, Ўзбекистонга кўчириб келтирилган йирик саноат корхоналари ва аҳолининг меҳнат фаолиятини очиб беришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот асосий натижалари 2 та халқаро ва 10 дан ортиқ республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 дан ортиқ илмий иш эълон қилинган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 10 та мақола, жумладан, 5 таси республика, 5 таси хорижий журналларда (улардан 1 таси юқори импакт факторли журнал) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 142 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, унинг ўрганилиш даражаси тавсифланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқотнинг фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлиги асосланган ҳолда, унинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, апробацияси ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тошкент вилоятида саноат шаҳарларининг ташкил топиш омиллари ва ривожланиш муаммолари”** деб номланган биринчи бобнинг биринчи параграфи *“Саноат шаҳарларини ташкил қилиш омиллари”* деб номланади. Унда XX асрнинг 20-30-йилларида Тошкент вилоятининг тоғ ва тоғолди ҳудудида геологлар олиб борган илмий изланишлар хулосалари асосида ўлкада аниқланган табиий бойлик захираси ва унинг мамлакат иқтисодига жалб этиш билан боғлиқ жараёнлар, 1835 йилда Чирчиқ шаҳрининг ташкил топиши, Иккинчи жаҳон уруши йилларида вилоятга фронт ҳудудидан кўчириб келинган саноат корхоналарининг ишга туширилиши, уларнинг маҳсулотларини Тошкент орқали фронтга темир йўл орқали олиб кетилганлиги, саноат корхоналари яқинида ишчилар учун ташкил этилган манзилгоҳларга урушдан кейин шаҳар мақомининг берилиши асосида Ангрен, Олмалик, Бекобод шаҳарлари юзага келинганлиги ёритиб берилган.

Мазкур шаҳарлар ишлаб чиқаришга қараб ихтисослашган эди. Хусусан, Чирчиқ шаҳри шу номдаги дарё бўйларида бунёд этилган гидроэлектр станциялар яқинида дастлаб қишлоқ хўжалиги учун зарур кимёвий ўғитлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган *“Электр кимё саноат”* корхонаси ишга туширилди<sup>13</sup>. Иккинчи жаҳон уруши йилларида эса, бу ерга яна қишлоқ машинасозлиги, кимё машиносозлиги, электр қувватлари учун зарур қурилмалар ишлаб чиқаришга йўналтирилган корхоналар кўчириб келтирилиши билан Чирчиқ шаҳри йирик саноат марказига айланди<sup>14</sup>. Вилоят таркибидаги Бекобод ҳудудида ҳам 1926 йилдан цемент заводи фаолияти йўлга қўйилган эди. Бундан ташқари, фронт этакларидан кўчириб келтирилган корхоналарни узлуксиз электр қувват билан таъминлаш мақсадида, 1943 йилда Бекобод ҳудудида Фарҳод гидроэлектр станциясининг дастлабки бўғини ишга туширилиши билан бу ерда ҳам йирик тоғ-кон саноати корхонаси – Ўзбекистон металлургия комбинати қад ростлади. Шу тариқа, уруш ниҳоясига етгач, 1945 йилда Бекобод шаҳар мақомини қўлга киритди. Фронт эҳтиёжлари учун зарур

---

<sup>13</sup> Якубов С.Г. Первенцу химии Узбекистана ПО «Электрохимпром» им. Л.А. Костандова – 60 лет. – Ташкент: Шарк, 2000. – С. 24.

<sup>14</sup> История новых социалистических городов Узбекистана (Ташкентская область). – Ташкент: Фан, 1976. – С.48-49.

кўмир етказиб беришга ихтисослаштирилган Ангрен ҳам урушдан кейинги йилларда шаҳар мақомини олди<sup>15</sup>. Бундан ташқари, шаҳарда цемент, пишиқ гишт каби қурилиш моллари, тоғ-кон саноатининг бошқа тармоқлари, хусусан қимматбаҳо металллар ишлаб чиқаришга йўналтирилган корхоналар ҳам қурилди<sup>16</sup>. Олмалиқ ҳудудида аниқланган қимматаҳо металллар, мис, кўрғошин каби оғир саноат учун зурур манбалар ўзлаштирилиши билан 1951 йилда шаҳар мақомига эга бўлди<sup>17</sup>.

Мазкур бобнинг *“Саноат шаҳарлари ресурс марказлари сифатида”* деб номланган иккинчи параграфиди саноат корхоналарининг уруш даврида ва урушдан кейин ҳам буткул марказ назоратида бўлганлиги ва республиканинг хомашё етказиб бериш базасига айланганлиги, шу тариқа улар то совет тузуми барпод бўлгунча *“ресурс шаҳар”* мақомида бўлиб, корхоналар марказий идоралар назорати остида бўлиб, уларнинг бюджети, даромади, ишлаб чиқарилган қимматли ва рангли металллар тақсимооти ҳам буткул марказий идоралар тасарруфида бўлганлиги аниқ фактлар мисолида очиб берилди.

Совет даврида олиб борилган беш йиллик режалар асосига қурилган иқтисодий сиёсат ишлаб чиқариш суръатларини йил сайин кўпайтириб боришга йўналтирилганлиги шароитида корхоналарда маҳсулотлар ишлаб чиқаришни юқоридан белгилаб қўйилган миқдорда кўпайтириб бориш, яъни рақамлар ортидан қувишга зўр берилди. Натижада саноат маҳсулотларининг ҳажми тўхтовсиз ўсиб борди. Аммо ишлаб чиқариш технологиялари эскириб бориши туфайли сифат ўзгаришлари ортда қолиб, катта ҳажмдаги маҳсулотлар омборхоналарда туриб қола бошлаган. Бу эса, ўз навбатида саноатда турғунликка олиб келди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Совет даврида саноат шаҳарларининг ўзига хос хусусиятлари ва муаммолари”** деб номланади.

Ушбу бобнинг *“Саноат шаҳарларининг тузилиши ва аҳолиси”* деб номланган биринчи параграфиди келтирилган маълумотлар таҳлилининг кўрсатишича, совет ҳукумати саноат шаҳарларида корхоналаридаги малакали касб эгаларини асосан марказий республикалардан олиб келиб, уларни уй жой билан таъминланиши натижасида аҳоли сони Иккинчи жаҳон урушидан кейин асосан кўчириб келтирилганлар ҳисобидан ўсиб борган. Хусусан, 1989 йилга оид статистик маълумотларга кўра, вилоят шаҳар аҳолисининг 67,1 фоизи, жумладан, Чирчиқда 80 фоиз, Ангренда 55,3 фоиз, Бекободда 55,4 фоиз, Олмалиқда 72 фоиз аҳоли руслардан иборат бўлганлиги маълум бўлди.

Тарихий фактларнинг кўрсатишича, саноат шаҳарларида уй-жой қурилиши, уларни таъмирлаш ва уларни электр ва иссиқлик қувватлари билан таъминланиш ҳам йирик корхоналар зиммасига юклатилган. Хусусан, уй-жой

<sup>15</sup> Ёрматов И. Саодат водийси. Тошкент: “Наврўз”, 2012. 119-бет.

<sup>16</sup> ТВДА. 4-жамғарма, 1-рўйхат, 4-йиғма жилд, 70-варақ.

<sup>17</sup> Олмалиқ ШДА. 265-жамғарма, 2-рўйхат, 1-йиғмажилд, 17-варақ.

фондининг 87 фоизи Чирчиқда кимё саноати корхоналари зиммасида бўлганлиги<sup>18</sup>, бу кўрсаткич Олмаликда 70 фоизни<sup>19</sup>, Ангренда 76 фоизни<sup>20</sup>, Бекободда 92 фоизни<sup>21</sup> ташкил этган.

Ушбу бобнинг *“Шаҳарлар инфратузилмасини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва муаммолари”* деб номланган иккинчи параграфиди кўрсатиб ўтилганидек, дастлаб шаҳарлар табиий ресурслар яқинидаги корхоналар ёнида, ишчилар учун ётоқ уйлар сифатида ташкил этилган манзилгоҳлардан иборат бўлиб, уларнинг фарзандлари учун боғча, мактаб, соғлиқни сақлаш пунктларидангина иборат бўлган. “Ётоқхона шаҳарлар” деб ном олган бу манзилгоҳларда хизмат кўрсатиш, маданият ва спорт муассасалари, парк ва хиёбонлар йўқлиги уларни ўз номи билан “ётоққа” айлантирган эди. Аҳоли кўпайиб, корхоналар кенгайиши, ишлаб чиқариш ҳажмини орттириш учун конлардан хўжасизларча, беаёв фойдаланилиши туфайли саноат шаҳарларида экологик муаммолар юзага келган. Масалан, Ангренда кўмир олишда хўжасизларча ёндошув туфайли, 1963, 1973 ҳамда 1991 йилларда кучли тоғ кўчкилари содир бўлган. Чирчиқ шаҳридаги кимё саноатига ихтисослашган корхоналар ҳам аҳоли саломатлигига катта таъсир қилиб келган. Олмалик шаҳрида ҳам ичимлик суви билан боғлиқ муаммолар бугунги кунга қадар долзарб аҳамият касб этиб келмоқда. Бекобод шаҳри марказидан ўрин олган цемент корхонаси фаолияти ҳам шаҳардаги экологик мувозанатга катта хавф туғдирган эди. Шунингдек, Ангрен шаҳрида ишга туширилган кўмир конлари вақт ўтиб аҳоли манзилгоҳига халақит бера бошлаган. Бу ҳолатларнинг бари уларни қайта қуриш заруриятини кўндаланг қўйди.

1965 йилдан бошлаб корхоналардан анча нарида қурилган янги манзилгоҳларда шаҳар инфратузилмаси кенгайиб, ижтимоий-маданий муассасалар, муҳандислик инфратузилмалари барпо этилган. Аммо уларнинг қурилиши ҳам, техник таъминоти ҳам ана шу саноат корхоналари зиммасига юклатилган. Хусусан, Олмаликдаги кон металлургия комбинати шаҳардаги муҳандислик инфратузилмалари қурилиши учун асосий пудратчи бўлиб, шаҳарда бунёд этилган ижтимоий (маданият, таълим, тиббиёт) муассасаларнинг 70 фоиз техник таъминоти ушбу корхонага бириктирилган эди<sup>22</sup>. Ангренда эса, “Ўзбеккўмир” бирлашмаси шаҳардаги 60 фоиз қурилишларга жавобгар эди<sup>23</sup>. Чирчиқда бунёд этилган ижтимоий инфратузилмаларнинг барчасига шаҳардаги

---

<sup>18</sup> Чирчиқ ШДА. 2-жамғарма, 2-рўйхат, 660-йиғма жилд, 69-варақ.

<sup>19</sup> История новых социалистических городов Узбекистана (Ташкентская область). – Ташкент: Фан, 1976. – С.156.

<sup>20</sup> Убайдуллаев А. Костецкий В. Афсоналардаги шаҳар. – Ангрен: Наврўз, 1996. – 101-бет.

<sup>21</sup> Бекобод ШДА. 80-жамғарма, 1-рўйхат, 246-йиғма жилд, 32-варақ.

<sup>22</sup> Олмалик ШДА. 265-жамғарма, 2-рўйхат, 1-йиғма жилд, 35-варақ.

<sup>23</sup> ЎзМА. 2117-жамғарма, 1-рўйхат, 332-йиғма жилд, 1-варақ.

кимё саноати корхоналари масъул эдилар<sup>24</sup>. Бекобод шаҳридаги 60 фоиз ижтимоий объектлар цемент ва металлургия корхоналари заммасида эди<sup>25</sup>.

Бундай ҳолат кейинчалик иқтисодий турғунлик даврида саноат корхоналари фаолияти таназулга учраганда жиддий муаммоларга олиб келди.

Диссертациянинг **“Мустақиллик даврида саноат шаҳарларидаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва ислохотлар”** деб номланган учинчи бобининг *“Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнлари ва муаммолари”* деб номланган биринчи параграфида энг аввало совет ҳукуматидан “мерос” қолган мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазият таҳлил этилган. Хусусан, мустақилликнинг дастлабки йилларида саноат ишлаб чиқаришининг тўхтаб қолиши, иқтисодий танглик ҳолатлари, кадрлар муаммосининг юзага келиши очиб берилган. Архив маълумотларининг кўрсатишича, корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотлар омборхоналарда тўпланиб ётар, бу муаммолар мустақил ташқи алоқалар йўлга қўйилмаганлиги, сифат кўрсаткичлари пастлиги, ишлаб чиқариш даражаси замон талабларига жавоб бермаслиги билан изоҳланар эди.

1990 - йиллар бошига оид расмий ҳисоботларда қайд этилишча, Тошкент вилоятидаги саноат шаҳарларида жами 325 та (174 та кичик корхона ва 151 та ширкат) корхона фаолият юритган. Шулардан амалда 200 га яқин корхона ва ширкатлар бозор савдосида норасмий воситачилик билан шуғулланган, қолганлари қоғоздагина мавжуд бўлиб, амалда фаолият юритмаган, уларнинг маҳсулотлари омборларда йиғилиб қолиши туфайли, ишлаб чиқариш буткул тўхтатилган эди<sup>26</sup>. Демак, шаҳардаги иқтисодий инфратузилмаларнинг 61,5 фоизи майда савдогарлик соҳасида фаолият юритган.

Шаҳардаги саноат корхоналарининг фаолияти тўхтаб қолиши туфайли ишсизлик кучайиб, аҳоли иш қидириб, атрофдаги қишлоқларга кетишга мажбур бўлган. Тадқиқот давомида маҳаллий аҳоли вакиллари билан суҳбатларда аниқланишича, шаҳарни кўпчилик тарк этган, аммо улар яшаш манзиларидаги рўйхатдан ўчмаганлиги боис, бу ҳолат расмий манбаларда қайд этилмаган.

Мамлакатда бошланган бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги иқтисодий ислохотлар жараёнида саноат шаҳарларида энг аввало аҳолига ёрдамчи хўжаликлар ташкил этишга рухсат берилди, хусусий мулкчиликни ривожлантиришга ҳуқуқий асос яратилди, фаолияти тўхтаб қолган корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш, қўшма корхоналар ташкил этиш, инвестициялар жалб этиш, банк тизимини бевосита ишлаб чиқариш билан боғлаш каби тадбирлар амалга оширила бошланди.

Бундай чора-тадбирлар натижасида йирик корхоналарда ишлаб чиқариш тикланиб, ташқи иқтисодий алоқалар ва экспорт йўлга қўйилди, енгил саноат соҳасида қўшма корхоналар ташкил этилди. Олмалиқ шаҳрида “Aldachen”

---

<sup>24</sup> ЎзМА. 1644-жамғарма, 1-рўйхат, 394-йиғма жилд, 88-варақ.

<sup>25</sup> ТВДА. 4-жамғарма, 1-рўйхат, 1709-йиғма жилд, 427-варақ.

<sup>26</sup> ТВДА. 152-жамғарма, 1-рўйхат, 2-йиғма жилд, 12-варақ.

тўқимачилик корхонаси (1993 йил), Чирчиқ шаҳри “Bursel Tashkent Textile” Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси (2004 йил), Жанубий Кореянинг “Daeshin textile co LTD” корхонаси (2005 йил), “Lukbo textile” (2006 йил) “Betlis textile” (2010 йил) корхонаси, “Eurotex Tashkent” (2011 йил), Ангрен шаҳридаги “Sangren tex” ва “Accort Textil” (2011), Бекобод шаҳридаги “Tutku-Karpet” Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси (2007 йил) каби енгил саноат корхоналари фаолияти йўлга қўйилди. Бу корхоналар шаҳарларида тўқимачилик саноатини ривожлантиришда, янги иш ўринлари яратишда муҳим роль ўйнади.

Аммо саноат шаҳарларида ўз ечимини кутаётган иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ҳамон яққол кўзга ташланиб турар эди. Республиканинг катта табиий ресурслари жойлашган бу ҳудудларда барча имкониятлар тўлиқ ишга солинмаганлиги, ижтимоий муаммолар ўз ечимини топмаганлиги жуда катта ўзгаришларни тақозо қилар эди. Бу ҳолатлар энг аввало шаҳарларда ҳамон хувиллаб ётган кўп қаватли уйлар, ўтган аср даражасидаги ижтимоий ва муҳандислик инфратузилмалари, логистика ва хизмат кўрсатиш тизимининг оқсоқлиги, уй жой қурилиши, таълим ва тиббиёт муассасалари ҳолатида ҳамда иш ўринлари етишмаслигида яққол кўзга ташланиб турар эди. Боз устига банк-молия тизимидаги чигалликлар, инвестициявий муҳитнинг заифлиги бу муаммолар ечимини орқага сурар, ишлаб чиқариш модернизацияси ва хусусий мулкчилик кенг қулоч ёя олмаган эди.

Ушбу бобнинг “*Иқтисодий ислоҳотларнинг янги bosқичидаги ўзгаришлар ва амалий натижалар*” деб номланган иккинчи параграфидан эса, 2016 йил 3 сентябрда Тошкент вилоятига Бош Вазир Ш. Мирзиёев ташрифи муносабати билан бошланган жараёнлар таҳлил этилган.

Ангрен шаҳрида иссиқлик электр станциясининг янги энергоблоки ишга туширилиши билан йилига саноат ва халқ хўжалигини 840 млн. кВт электроэнергия, 423 минг гигакалория иссиқлик энергияси билан таъминлаш имконияти юзага келди<sup>27</sup>. 2016 йилда Олмалик кон металлургия комбинати таркибидаги “Қалмоқир” мис конидаги рудаларни қайта ишлаш миқдорини кўпайтиришга хизмат қилувчи дастгоҳ ишга туширилиши билан корхонада ишлаб чиқариш ҳажми 4 млн. тоннага ошди. Бундан ташқари, комбинатда 2016 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти йўлга қўйилди<sup>28</sup>.

Президент Ш.М. Мирзиёев ташаббуси билан Олмалик шаҳрида янги “Ёшлик I” конини ўзлаштиришга старт берилди<sup>29</sup>. Ушбу кон йилига 74 млн.

---

<sup>27</sup> Шаходова Г. Имконият ҳам, салоҳият ҳам етарли. // Ангрен ҳақиқати. 34-сон, 19 август, 2016 йил. 2-бет.

<sup>28</sup> Олмалик тоғ-металлургия комбинатида маҳаллийлаштириш кўрсаткичи прогнозидан-дан 20,7% зиёдни ташкил қилди // 2017 й, 04 январь. URL манзил: <https://uztag.info/uz/news/olmali-to-metallurgiya-kombinatida-ma-alliylashtirish-k-rsatkichi-prognozdagidan-20-7-ziyedni-tashkil-ildi>

<sup>29</sup> Оруджов У.С., Исаков М.М. История и развитие открытых горных работ на одном из

тонна мисни қазиб олиш қувватига эга бўлиб, лойиҳа учун 1,7 млрд. АҚШ доллари жалб этилди. Кон ишларини ташкил этиш учун 1330 нафар хорижий мутахассислар жалб этилди<sup>30</sup>. 2019 йил сентябрь ҳолатига кондаги 26 млн. куб метрлик майдонда тозалаш ишлари якунланди<sup>31</sup>. Ушбу коннинг ишга туширилиши республиканинг мисга бўлган эҳтиёжи қондириш билан бир қаторда экспортга йўналтириш имконини берди.

2017 йилдан ҳақида ҳукумат қарори асосида Тошкент вилоятидаги саноат шаҳарларида бўш ётган объектларни ишлаб чиқаришга жалб этиш орқали иқтисодий ривожлантириш бўйича кичик саноат зоналари ташкил этишга киришилди<sup>32</sup>. Унга кўра, Тошкент вилоятида умумий майдони 140,1 га.га тенг 17 та кичик саноат зоналари ташкил этилди. 2018 йилда ҳукумат қарорига<sup>33</sup> асосан Ангрен шаҳридаги 2 га, Чирчиқ шаҳридаги 38,7 га шунингдек, Бекобод шаҳридаги 7,87 га ер майдонидаги бўш бинолар ўрнида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариши йўлга қўйилди.

Саноат шаҳарларини ривожлантиришда корхоналардаги давлат улушининг хорижий инвесторларга ишончли бошқарувга топширилиши, кичик саноат зоналарининг ташкил этилиши бу даврдаги ислохотларнинг муҳим йўналиши бўлди. Хусусан, SFI Management group номли хорижий корхона 2017 йилда Бекобод шаҳридаги Ўзбекистон металлургия комбинатининг давлат улушини<sup>34</sup>, 2018 йилда Олмаликда кон металлургия комбинатидаги давлат ҳиссасини ишончли бошқарув асосида қўлга киритди<sup>35</sup>. Натижада ушбу йирик корхоналарнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлиги кучайиб, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда йирик инвестиция лойиҳаларини жорий этиш имкониятларига эга бўлди. Бу тадбирлар комбинатларнинг 2018-2019 йилларга оид кўрсаткичларида яққол акс этди. МДХнинг “Рақамли иқтисодий – интеграция платформаси” номли халқаро иқтисодий форумида комбинат

---

крупнейших рудников мира – рудоуправлении «Кальмакыр» // Горный вестник Узбекистана. – 2019. – № 4. – С. 10.

<sup>30</sup> Назимова Н. Ёшлик I – новая страница в истории АГМК. // Алмалыкский рабочий. – 2019 г, 17 мая. – № 21. – С.3.

<sup>31</sup> <http://agmk.uz/index.php/ru/press-tsentr/novosti/5037-agmk-planiruet-dobyvat-na-novom-mesto-rozhdenii-joshlik-i-do-74-millionov-tonn-mednoj-rudy-v-god>

<sup>32</sup> ЎзР Президентининг 2017 йил 10-августдаги ПҚ-3380 сонли “Тошкент вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори. URL манзил: <https://lex.uz/docs/3304224>

<sup>33</sup> ЎзР ВМ 2018 йил 8-августдаги 634-сонли “Тошкент вилоятида кичик саноат зоналарини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғриси”ги қарори. URL манзил: <https://lex.uz/docs/3304224>

<sup>34</sup> ЎзР Президентининг 2017 йил, 15-сентябрдаги ПҚ-3277-сонли ““Ўзметкомбинат” АЖ бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. URL манзил: <https://lex.uz/docs/3352672>

<sup>35</sup> Аналитическая записка по итогам работы АО «Алмалыкский ГМК» за 2018 года // URL адрес: [http://agmk.uz/images/DOCS/ANALITIKA/analitika\\_2018\\_ru.pdf](http://agmk.uz/images/DOCS/ANALITIKA/analitika_2018_ru.pdf)

2018 йил якунлари бўйича МДХ мамлакатлари орасида “Бизнес раҳбар” сифатида эътироф этилди<sup>36</sup>.

